Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 9 июль, чоршанба • № 54 (10.932) • Эркин нархда сотилади

Мустақиллик байрамининг олти йиллиги олдидан

«НУР»НИНГ «ДАРМОН»И

ЗАНГИОТА туманидаги «Нур» қурилиш фирмаси хонадонлар ва давлат идораларига техник хизмат кўрсатишни тобора кенгайтирмоқда. Иссиқлик шахобчаларини ўрнатишда ишлар юқори сифатда бажарилаётганлиги учун шахсий буюртмалар ҳам кўпаймоқда. Тобора қаддини ростлаётган фирма яқинда Назарбек фуқаролар йиғини ҳудудида «Дармон» деб номланган кундузги шифохона қурилишини тугатиб, ишга туширди. Бу ерда нафақат қурувчилар, балки, маҳаллий аҳоли ҳам унинг хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Жарроҳлик, тиш қўйиш ва даволаш, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлимларидан иборат бўлган бу шифохонани янада кенгайтириш режаси ҳам бор. Шаҳарлик мутахассисларнинг тажрибалари қишлоқ шифокорлари учун айни вақтда тажриба дарси вазифасини ҳам ўтамоқда.

Акбар УМИРОВ.

САНЪАТ МАКТАБИГА АЙЛАНГАЧ...

Олмаликдаги болалар ва ёшлар ижодиёти маркази санъат мактаби мақомига эга бўлди. Шу муносабат билан бу билим даргоҳи фаолият доираси янада кенгайди.

ЭНДИЛИКДА нафосат таълими билан боғлиқ ўқув жараёнларига хизмат қилувчи турли тўгараклар ташкил этилди. «Олтин қўллар», «Гулчилик» тўгараклари шулар жумласидандир.

Санъат мактаби шаҳардаги пайпоқ тўқиш ҳамда мебель комбинати билан яқиндан алоқа ўрнатган. Ўзаро келишувга мувофиқ корхонанинг тажрибали усталари ёшларга сабоқ беришмоқда. Мактабда мўъжазгина мебель цехи қуриш ва ўқувчилар қўли билан уй жиҳозлари ишлаб чиқариш режалаштирилди. Шунингдек миллий ҳунармандчилигимиздан ҳисобланган ёғоч сандиқ тўгараги ҳам ташкил топади.

Акбар АЛИЕВ.

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

ЧИРЧИҚДА шаҳар ҳокимлиги, унинг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими, тадбиркор хотин-қизлар уюшмасининг ташаббуси билан республика мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган хайрия марафони бошланди. У шаҳардаги барча маҳаллаларда навбати билан ўтказилмоқда. Шу кунгача 18, 30, 12-маҳаллаларда шундай тадбирлар уюшқоқлик билан ўтди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган катта ва кичик корхоналар, фирмалар, хусусий дўконлар, ўзига тўқ оилалар ўтказилаётган марафонларда фаол қатнашмоқдалар.

Хайрия жамғармаси учун ҳисоб рақами ҳам очилди. Барча корхоналар ва ташкилотлар унга ажратган маблағларини ўтказмоқдалар. Бу ҳисобдаги маблағ ҳажми кун сайин кўпайиб бормоқда.

Эмма СОЛОВЬЕВА,
«Чирчиқ» газетасининг бўлим мудири.

«ҚАЛДИРҒОЧ» УЧДИ

Беш йилдан буён мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбек-турк иқтисодиёт лицейи иккинчи битирувчиларига оқ йўл тилади. Куни кеча ушбу лицей мажлисхонасида 56 нафар битирувчиларнинг ота-оналари иштирокида маросим бўлиб ўтди.

«Ё БИРИНЧИ бўлиш керак, ё ҳеч бўлмаслик керак» шиори остида ўқитилган талабалар мусиқа, рақс, ашула, театр соҳасидаги истеъдодларини намойиш қилишди.

Лицейда банк ва ташқи тижорат мутахассислиги бўйича ходимлар тайёрланади. Бу ерни тугаллаганларнинг 92 фоизи ўтган йили олий ўқув юртларига ўқишга киришди.

— Шунингдек, лицей талабалари Польша ва Туркияда ўтказилган экология ва математика олимпиадаларида совринли ўринни олиб қайтишди. қолаверса, тил билган эл билади деганларидек, талабалар тўрт тилни ўрганишмоқда. Бу ҳам икки қардош халқнинг самарали ҳамкорлиги натижасидир, — дейди Ўзбекистондаги ўзбек-турк лицейларининг бош мудири Маҳмуд Балл.

Т.ИБРОҲИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органларининг тезкорлигини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашда уларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республика давлат солиқ қўмитаси, Бош божхона бошқармасининг негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил қилиниб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлаб турган божхона хизматлари негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли худудий бошқармалари тузилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

Республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган ваколатлар доирасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

Божхона ишларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида божхона назоратини таъминлаш, шу чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтишини тезлаштиришга имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш;

Контрабандага, божхона қонунчилигини бузишларга қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадиий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, аҳлий мулк объектлари, республиканинг божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш;

Савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг божхона воситаларини қўллаш, бож ҳақи, солиқлар ҳамда бошқа божхона тўловларини ундириб олиш;

Хорижий давлатларнинг божхона органлари билан, божхона иши масалаларига мутасадди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

Ташқи иқтисодий фаолиятга оид божхона статистикаси ва товар номенклатурасини юритиш;

Божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда унга ишлов бериш борасидаги автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиб, у қуйидаги ҳуқуққа эгадир:

Божхона масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда халқаро битимлар ва шартномалар тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларига амал қилган ҳолда божхона органларининг ваколатига дахлдор ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ишлари ва зарур тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш;

Божхона қонунчилиги бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий таъсир чораларини қўлланиш;

Айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласи давлат божхона органларининг ваколатлари доирасидан чиқадиган ҳолларда ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича ҳужжатларни тергов ва суд органларига топшириш;

Товарлар ва транспорт воситалари республика божхона чегараси орқали олиб ўтилишининг қонуний асосларини аниқлаш учун вазирликлар, идоралар, ташкилотлардан ва маҳаллий ҳокимият идораларидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларидан (мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар) белгиланган тартибда материаллар ва ҳужжатларни олиш.

4. Шу нарса белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ўз ваколати доирасида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган қарорлар мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро этишлари учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ходимлари учун белгиланган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар, хизматни ўташ, жумладан, махсус ва шахсий унвонлар бериш, лавозим маошларига ҳамда кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига нисбатан жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7.«Ўзбекистон Республикаси Бош давлат солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги фармонининг иккинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, шунингдек, мазкур фармоннинг кириш қисмидаги «ва божхона» сўзлари олиб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 8 июль.

Тикувчи Дилфуза Раҳимбердиева («Тўйтепа» ўзбек-турк қўшма корхонаси) ишидан ҳамма хурсанд.

В.ГРАНКИН олган сурат.

• ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ

ТОШКЕНТГА «RJ-85» ҚЎНДИ

7 июль куни Тошкент аэропортига биринчи марта RJ- 85 ҳаво кемаси қўнди. Оқ-мовий рангга бўялган бу кемани Буюк Британиядан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг экипажи олиб келди. Авиация техникасининг сўнгги ютуқлари асосида яратилган бу тезучар машина мамлакатимизнинг ички ҳаво йўлларида қатнайди.

Президентимиз Ислом Каримов Европадаги «Авро интернейшнл» бирлашган компанияси раҳбарияти билан учрашган пайтда (Англиянинг «Бритиш авроспейс» компанияси шу бирлашма таркибига киради) миллий авиакомпанияни шундай самолётлар билан таъминлаш тўғрисида келишиб олинган эди. Британияда ишлаб чиқарилган ва ўта пишиқлиги ҳамда йўловчилар учун қулайлиги билан ажралиб турадиган 85 ўринли ҳаво кемалари хорижий ҳаво йўлларида ишончли транспорт воситаси эканини кўрсатди. Тошкент аэропортида бўлиб ўтган тантанали учрашувда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бош директори вазифасини бажарувчи А.Рўзметов таъкидлаганидек, бу самолётлар мамлакатимиз ҳаво йўлларида эскириб қолган «АН-24» ва «ЯК-40» маркали кемаларнинг ўрнини эгаллайди. Буюк Британиядан келтирилган дастлабки ҳаво кемаси 10 июлдан бошлабоқ Урганчга қатнай бошлайди. Бу йил Самарқанд ва Бухоро ҳаво йўлларида ҳам шундай самолётлар пайдо бўлади.

Янги ҳаво кемасини қутиб олишга бағишланган тантанада Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Хей нутқ сўзлади.

Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари К. Раҳимов иштирок этди.

(ЎзА).

«БОЙҚОЗОН»НИНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Хўжаликда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 65 центнердан бошоқли дон ҳосили олинди

ХУШХАБАР барчага хуш ёқиши табиий. Айниқса, у ғалла мўллиги ҳақида бўлса... Ғалла — нон ушатаётган нуронийларнинг шукронаси, гўдакнинг юзидаги табассум, тандирдан узаётган онанинг янги нон исидан энтикиб, жилмайиб турган чеҳраси... Ғалла қут-барака, элнинг ҳузур-ҳаловатидир!

Паркентликлар «Бойқозон» халқ корпорацияси аъзоларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда жуда кўп соҳада карвонбоши эканлигини яхши билишади. Ғалла етиштириш ва давлатга сотишда ҳам улар аҳдларига содиқ қолдилар! Туманда биринчи бўлиб давлатга 1047 тонна ғалла топшириб, зиммаларидаги режаларини ўринлатиб қўйдилар.

780 гектар ерга экилган ғалланинг 320 гектари суғориладиган майдонларга сепилган эди. Энг кувончлиси ҳар гектар суғориладиган ердан олинаётган ҳосил 65 центнерни ташкил этаяпти. «Бойқозонликларнинг бу йилги кўзлаган режалари эса 3 минг тоннадан зиёд ғалла етиштириш. Шу боис улар яна 250 тонна ғалла сотишга аҳд қилдилар.

Албатта, етти иш кунида минг тоннадан ошириб сифатли ғалла топшириш жиддий тайёргарлик, омилкорликни талаб қилди. Корпорация раиси Тоҳир Холтоев, бош ҳосилот Сабриддин Орзиев билан бўлган мулоқотимиздан шу нарса аён бўлдики, корпорация кенгаши ва касаба уюшмаси ғалла ўрим-йиғимини тўғри ташкил этдилар.

Шу кунларда бевосита ғалла ўримида 57 киши иштирок этяпти. 7 та комбайнни 14 киши бошқаряпти. 6 та автомашина ғалла ташийди.

Шартномага асосан комбайнчилар бригадаси кўзда тутилган ғаллани сифатли қилиб 30 иш кунида ўриб-янчиб берсалар, битта «Тико» енгил автомашинаси билан тақдирланадилар. Бундан ташқари, биринчи ўринни олган комбайнчига рангли телевизор, ёрдамчисига оқ-қора телевизор. Иккинчи ўрин учун — комбайнчига видеомагнитофон, ёрдамчисига гилам, учинчи ўрин учун — комбайнчига телевизор, ёрдамчиси қўй билан мукофотланади.

Хуллас мавсумда иштирок этган ҳар бир илғор техника ходими ва бошқа фидойиларни мукофотлаш кўзда тутилган. Ўтган йили иш ҳақига уч тоннадан ғалла олган комбайнчилар бўлган эди. Бу йил ундан ҳам зиёда бўлиши кутиляпти.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ҒОЛИБ 74 ЁШДА

Шунақасиям, бўлар экан. Ҳаётда доим илғорликка интилган Ҳанифа ая Ҳожиева ундоқ-бундоқ ёшларни йўлда қолдириб кетди. У тиккан шоҳи сўзана, палак, чойшаблар гўзал нақшлари билан барчани шошириб қўйди.

Қибрай туман «Ёнариқ» қишлоғида ўтказилган тадбиркор аёлларнинг кўрик-танлови қизиқарли бўлди. Қандолат маҳсулотлари пишириб, кўргазмага қўйган Машкура Абдураззоқова ҳамда кўрпа-тўшаклар тикувчиси Гулхумор Исаевалар иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. «Қўҳинур» кичик корхонаси раҳбари Шоира Рустамова, мебелларга безак берувчи Саодат Ҳасанова ҳамда чевар Маъсуда Пирматовалар учинчи ўринни эгаллашди. Биз эса кўрикда ишбилармонлиги, маҳсулотларининг сифатлилиги, назарий ва амалий билимлари ва бошқа саволларга тўлатўкис жавоб берган 74 ёшли Ҳанифа ая Ҳожиевани биринчи бўлганлиги билан муборакбод этамиз.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ.

ГУЛДОН, ҚУЛДОН ВА БОШҚАЛАР...

Зангиота туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида тегирмон қурилган эди. Кунига 3—4 тонна ун ишлаб чиқараётган тегирмон эгалари макарон тайёрлаш тармоғини ҳам ташкил қилишди.

БУНДАН ташқари, иккита турли хил нон маҳсулотлари пиширадиган корхона ҳам ишга тушди. У ерда бир кеча-кундузда 2—2,5 минг дона нон тайёрланаётир.

Бу тадбиркорлар синган шишалардан қулдон ясаш бўлимини очишган эди. Ҳозир уни такомиллаштириб, турли рангдаги гулдон, лаган ясаб, дўконлар орқали аҳолига сотишмоқда. Шу йўл билан жамоа хўжалигида 200 дан ошиқ киши иш билан таъминланди.

Тўлқин РАҲИМОВ.

ЁЗГИ ИНФОРМАТИКА МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОН халқ таълими вазирлиги Бўстонлиқ туманининг Оқтошидаги сўлим масканда ташкил этилган «Ёшлик» болалар оромгоҳида ўқувчилар ёзги таътилларини мазмунли ўтказишмоқда.

300 дан ортиқ ўғил-қиз ёз ғаштини сурмоқда. Бу ерда ўқувчиларга информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан сабоқ бериш учун кўплаб компьютер қурилмалари ўрнатилди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Восил Қобулов раҳбарлигида ўтказилаётган машғулотларга иқтидорли ўқувчилар жалб этилди.

Ёзги информатика мактаби ўн кунлик ўқув курсларини ҳам ташкил этди.

А.АКБАРОВ.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ОҚСОҚОЛЛАР ДЕЙДИКИ...

Қуйи бошқарув бўғинларида

Истиқлол йиллари ичида амалга оширилган демократик ўзгаришларнинг ижобий манзараси яққол кўзга ташланмоқда. Буни бевосита халқ билан юзма-юз мулоқотда бўлаётган ўз-ўзини бошқарув органлари фаолиятида яна ҳам равшанроқ кўриш мумкин. Президентимизнинг қишлоқ фуқаролар йиғинлари ишини яхшилаш, маҳаллалар мавқеини ошириш мақсадида эълон қилинган Фармонлари ва ҳукумат қарорлари бунга яқиндан ёрдам бермоқда. Республика Олий Мажлисининг шу йил 5 июнда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида қайд қилинганидек, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар йиғинлари қўмиталарининг омма билан муносабатлардаги фаоллиги ошди. Улар жойларда фармонлар ва қарорлар ижросини таъминлашда, ободончиликни йўлга қўйиш, саранжом-саришталикни таъминлаш, байрамлар, тўйлар, маросимларни уюшқоқлик билан ўтказишда ўз бурчларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Эндиликда кам таъминланган, 16 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилаларни аниқлаш, уларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари ҳам ўз-ўзини бошқарув органлари зиммасида бўлиб қолди. Бу борада яхши натижалар билан бирга, қийинчиликларга ҳам дуч келинмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган мажлисида Тошкент вилояти мисолида «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Уни муҳокама этиш жараёнида иштирокчилар фуқаролар йиғинлари бажариб келаётган ишларни алоҳида қайд қилдилар.

Фаолиятларини янада яхшилаш юзасидан амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар ҳақида гапирдилар, таклиф ва истакларини билдирдилар. Айни пайтда Олий Мажлис Кенгаши йиғилишидан кейин бир қатор фуқаролар йиғинлари аҳволини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг кенг фаолият юргизишлари учун ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳали анчагина. Хўш, бундай муш-кулликлар нималардан иборат? Уларни қандай бартараф этиш керак?

Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида қатор фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалар қўмиталари оқсоқоллари билан учрашиб, очиқ фикр билдиришларини илтимос қилдик. Қуйида ана шу фикр-мулоҳазалардан айримлари эътиборингизга ҳавола этилади.

Миркомил МИРПЎЛАТОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, вилоят Кенгаши депутати:

ҚИШЛОҒИМИЗДА 16 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улардан 10 минг нафари Охунбобоев номли жамоа хўжалигида, қолгани Бектемир атрофидаги 6 та маҳаллада яшайди.

Бизда маҳалла қўмиталари раислари пенсионерлар. Улар минг сўм атрофида ойлик маош олишади. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг уч ходими эса ҳокимият билан маҳалла ўртасида воситачи, ҳокимликдан қандай кўрсатма олинса, ўша кўрсатмалар маҳалла қўмиталарига тегишли бўлса, уларнинг ҳаммалари чақирилиб, ҳужжатлар топширилади ёки оғзаки баён қилинади. Баъзи вақтларда қўмиталар раислари ҳафтада икки-уч мартадан ҳам чақириладилар. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада кунда бир воқеа бўлиб, оқсоқоллар кундузими, кечасими фуқаролар маҳалла қўмитаси раиси уйига, ёхуд идораси бўлса, у ерга келиб турадилар. Айниқса, уй жанжаллари, қўйди-чиқди можаролари билан кўпчилик мурожаат этади. Очиғини айтиш керак, маҳаллаларда, шунингдек, фуқаролар йиғинида ҳам бу ишлар билан шуғулланиш малол келаётганлар кам эмас. Сабаби — ойлик маош ўта кам.

Шунинг учун мен қишлоқда ҳам маҳалла қўмиталари раисларига, котибларига ойлик маошни кўпайтириш масаласини ҳал қилиш керак, деган фикрдаман. Чунки, болали оилаларга нафақа белгилаш борасидаги қарордан кейин иш кўлами жуда ортиб кетди. Иккинчидан, узоқ маҳаллалардан фуқаролар йиғинига қўмита раисларининг етиб келиши қийин бўлмоқда. Транспортда етиб келишнинг ўзига сарфланадиган маблағ анчагинани ташкил этмоқда. Шу боис, ойликни кўпайтиришнинг имкониятини топиш учун хусусий дўконлардан олинадиган солиқларнинг уч-тўрт фоизи маҳаллада қолдирилса ёки бўлмаса, маҳалла ҳудудида жойлашган кичик корхона, шахсий дўконларнинг биттасидан олинадиган солиқлар маҳалла ҳисобига ўтказилса, шунинг ўзиёқ ойлик маош ва маҳалла ободончилигини таъминлашга етарли бўларди.

Маҳалла қўмитасини қонуний равишда юридик шахс деб тан олиш зарур деб ўйлайман. Шу йўл билангина маҳалла ва маҳалла қўмитаси обрўсини кўтариш мумкин. Қўмиталарга думалоқ муҳр берилиши лозим.

Менимча, маҳаллага ўз мақомини бериш учун Низом ишлаб чиқиш зарур. Чунки, келгусида ҳамма ишни маҳалла бажарса, бориб-бориб қишлоқ фуқаролар йиғини фаолияти учун ўрин қолмаслиги мумкин.

Эркин ҒУЛОМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент тумани бўлими раиси:

— ЎТГАН беш йилдан ортиқ вақт шуни кўрсатдики, мамлакатимизда демократлашув жараёни изга тушиб, жаддаллашиб бормоқда. Буни мен Президентимиз ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўз-ўзини бошқарув органларига бўлган ишончи ортиб бораётганлигида кўряпман. Бу яхши, албатта. Аммо, ана шу ишончни оқлашда қуйи бошқарув органлари мушкулликларга дуч келаётганликларидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, сўнгги йиллар ичида фуқаролар йиғини учун ҳам, маҳалла оқсоқоллари учун ҳам иш ҳажми ортиб кетди. Турли дастёрликларни-ку қўяверинг. Ҳуқуқий йўл билан ўз ҳудудидаги кичик ташкилотлар, хусусий дўконлар, цехлар раҳбарларидан иш талаб қилишда ноқулайликлар мавжуд.

Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар қўмиталарининг самарали фаолият юритиши учун аниқ бир тизим керак. Бу масала, албатта, ҳал қилиниши зарур, деб ўйлайман. Фуқаролар йиғини, маҳаллаларнинг мавқеини ошириш мақсадида, уларга кенг ҳуқуқий имкониятлар берадиган қонуний асослардаги ҳужжатга эҳтиёж сезилмоқда. Олий Мажлисда яқинда ижроси кўриб чиқилган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун йиғинлар ҳуқуқ доирасини кенгайтириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилса яхши бўларди.

Иккинчи фикр. Гоҳо уйжой олди-соттисида қишлоқ фуқаролар йиғини билан маҳалла ўртасида икки хил қараш ҳоллари содир бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳам узвийликни таъминлайдиган йўриқнома керак.

Ҳуллас демоқчиманки, одамлар билан юзма-юз ишлайдиган органлар ходимларига эътибор янада кучайтирилиши керак.

Асқар НИҒМАТЖОНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси Қибрай туман бўлими раиси:

— ҲУДУДИМИЗДА 105 та маҳалла бор. Туман ҳокимлиги улар билан бевосита қишлоқ фуқаролар йиғини ва биз орқали алоқа қилади. Президентимизнинг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорларида фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳалла оқсоқолларининг бурч ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Улар аҳоли билан юзма-юз гаплашадиган жамоатчи органлар ҳисобланадилар.

Менинг бир истагим — фуқаролар йиғинлари обрўсини кўтариш учун аниқ Низом керак. Кўп йиллардан бери пахтакор туманларда ҳам бўлиб турганим учун бир воқеани ачиниш билан кузатаман. Собиқ иттифоқ пайтида қишлоқ совети раиси уйма-уй юриб, сигири бор хонадон давлатга қанча сут топширди, унинг сифатлилиги қандай каби маълумотларни йиғарди. Кейинги йиллар ичида уйма-уй юриб, меҳнатга яроқли кишиларни аниқлаш, уларни пахта даласига жалб этиш иши фуқаролар йиғини раиси ва котиби зиммасида бўлиб қолди. Ваҳоланки, фуқаролар йиғининг бундай дастёрликдан ташқари ҳам қатор ишлари: ҳудудни ободонлаштириш, тўй маросимларини ташкил этиш, туғилганларга гувоҳномалар бериш, оила можароларини ҳал этиш, ёшларни аскарликка тайёрлаш каби ўнлаб вазифалари бор. Таклифим: қуйи бошқарув органларининг раҳбарлари ҳокимликларнинг дастёрларига айланиб қолмаслиги керак.

Қатор туманларда, хусусан, бизнинг Қибрай туманимизда буни чуқур тушуниб, фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар оқсоқолларига кенг имконият яратиб берилаётганлиги қувончли бир ҳолдир.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, дарҳақиқат, Олий Мажлис Кенгаши мажлисида таъкидланганидек юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни халқимиз манфаатини таъминлада кўпгина самаралар бергани шубҳасиз. Бу истиқлолнинг илк давридаёқ деҳқонларга қўшимча томорқалар, уй-жой қуриш учун ер ажратилганлигида, ўқитувчилар, шифокорларга давлат уйлари хусусийлаштириб берилганлиги ва коммунал хизмат тўловларида имтиёз яратилганлигида ўз ифодасини топди. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик ва қўшма корхоналар очиш, фермерлик ҳаракатини кенг ёйиш орқали ҳам қатор ижобий натижаларга эришилди. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш доимо Президентимиз ва ҳукуматимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Айни пайтда бошқарув органларига ҳам эътибор бир мунча кучайди. Хусусан, қуйи бошқарув органлари — қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларга кенг имкониятлар яратилди. Улар фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан биргаликда бу тузилмаларнинг зиммаларидаги вазифалар ҳам кўпайиб кетди. Уч ёки тўрт кишидан иборат фуқаролар йиғининг кўп минг аҳоли яшайдиган ҳудудга хизмат кўрсатиши осон эмас, албатта. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўз-ўзини бошқариш органлари ходимларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга, аввало, юқори молия органлари ҳамда ҳокимликлар жиддий эътибор беришлари керак. Зеро, фармонлар, қарорларни биринчи галда оммага етказувчи ва унинг ижросини кузатувчилар баайни фуқаролар йиғинлари ходимларидир.

Уларсиз ҳокимликлар фаолиятини, ҳатто, тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Юртбошимиз халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, оилавий шароитини яхшилаш борасида тинимсиз ғамхўрлик қилаётган, 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилган бир пайтда, халқ билан ишлайдиган мазкур органларнинг молиявий аҳволига бунчалик бефарқ қараш инсофдан эмас, ахир!

Бизнингча, мазкур суҳбатимиз иштирокчилари кўтарган муаммолар ниҳоятда ўринли. Зотан, ислоҳотларнинг ҳозирги жараёнида бу органларнинг молиявий аҳолини яхшилаш масалаласини даврнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.

Саидвали ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Иқтисодий ислоҳот одимлари

70 ХИЛ КОНСЕРВА

ЯНГИЙЎЛ консерва заводи... Ёрлиғида шу корхона номи қайд қилинган турли ҳажмдаги маҳсулотларни мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қолаверса, қатор узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда ҳам учратиш мумкин.

Усмон Юсупов номли аграр фирмасига қарашли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 60 йилдан кўпроқ вақтдан бери истеъмол бозорини тўлдиришга хизмат қилмоқда. Жамоа республикамиз мустақиллигининг олти йиллигини муносиб кутиб олиш учун юксак меҳнат марраларини белгилаган эди. Йил давомида 70 турдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.Ҳозирги вақтда мева-сабзавотларнинг етказиб берилишига қараб ҳар куни салкам 10 турдаги консервалар тайёрланяпти. Олхўри шарбати, карамдан тайёрланган «Янгилик» консерваси, «Орзу» аччиқ-чучуги ва бошқалар конвейердан узлуксиз тушиб турипти. Йил бошидан бери 3330 тонна хом ашё қайта ишланди.

Шуниси қувончлики, айрим жамоа хўжаликлари икки ўртада тузилган шартнома шартларига қатъий риоя қилмоқдалар. Айниқса, Янгийўл туманидаги Бобур номли, Болғабоев номли, «Халқобод» жамоа хўжаликлари мева-сабзавотларни вақтида ва белгиланган ҳажмда етказиб бермоқда.



СУРАТЛАРДА: ишчилардан Рая Набиева (чапдан ўнгга), Ҳикоят Ҳайдарова ва Марҳабо Боқиевалар карамни консервалашга тайёрламоқдалар (чапда); ишлаб чиқариш цехларининг бирида (ўртада); технолог Гариме Раззоқова, аппаратчи Нигора Халимтоева, цех механиги Ҳаким Шахрамов ва завод бош технологи Лариса Шишкиналар тайёр консервалар сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Умид ДАВРОН олган суратлар.

«ЧИҚИТСИЗМИ? РАҒБАТЛАНТИРИШ ЛОЗИМ»

«Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимизда резина пойабзали, резинатехника буюмлари ва енгил автомобиллар учун покришкалар ишлаб чиқариш бўйича йирик корхона ҳисобланади. Айни вақтда ўзининг турли чиқиндилари ва зарарли моддалари билан атроф муҳитни ифлослантирмоқда. Корхонада уни камайтириш юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти. Шу ҳақда бирлашма бош директори А. ЮСУПОВ қуйидагиларни гапириб берди.

Мутахассис фикр билдиради

— Корхонамиз ўзининг зарарли чиқиндилари билан ҳавони ва тупроқни булғаб келмоқда. Корхонани барпо этиш вақтида табиатни муҳофаза қилиш ишларига етарли эътибор берилмаганлиги оқибатида шундай бўлмоқда. Эндиликда эса бу нуқсонни камайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шу туфайли ҳам табиатга келтирилаётган зарар тобора камайиб бормоқда.

Сўнгги йилларда шу мақсадда айрим ишлар амалга оширилди. Масалан, корхона ва унга яқин жойлашган Облиқ ва Ғулбоғ қўрғонларидаги корхоналарни буғ, иссиқ сув билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, шу худуд ҳавосида зарарли моддаларнинг тўпланишини камайтириш учун янги қозонхона лойиҳалаштирилди ва қурилди. У ҳар соатда 160 тонна буғ ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу миқдордаги буғ фақат ўз ишлаб чиқаришимизнигина эмас, шу билан бирга қатор қўшни корхоналарнинг эҳтиёжларини ҳам қондиришга етади. Картон идишлари комбинати, асфальт-битум заводлари ундан фойдаланишлари мумкин.

Натижада улардаги кичик қозонхоналарнинг иши тўхтатилади, ҳавода зарарли моддаларнинг тўпланиши эса камаяди.

Бирлашмамиз ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда. Ташландиқ ерлар қайта фойдаланиш учун топширилянти. Чунончи, сўнгги икки йилда 7,5 гектар ер қайтадан тикланди. Умуман, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга ҳар йили кўплаб маблағ ажратмоқдамиз. Биргина ўтган йили бу ишга деярли 1 миллион сўм сарфланди. Бу йил давомида 1 миллион 260 минг сўм сарфлашни мўлжаллаб турибмиз.

Бундан ташқари, экологияни яхшилаш мақсадида қатор илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. «ЎзкимёлойиҳалашИТИ» институти корхонамиз учун қаттиқ чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш меёрларини ишлаб чиқди ва уларнинг манбаларини рўйхатга олишда бизга ёрдам берди. Биз ишчи ўринларида, шунингдек, корхонамизга яқин ҳудудлар (профилакторий, сайёҳлик базаси, 15-механизациялашган кўчма жамлама ва ҳ. к.)да атмосфера ҳавоси устидан мунтазам назорат олиб бораяпмиз. Бунинг учун махсус экологик шуъба ташкил этилди. Заводнинг марказий лабораторияси таркибида ташкил этилган бу бўлинма атмосфера ҳавосининг ифлослик даражасини ўлчаш бўйича ишларни мувофиқлаштирмоқда.

Бирлашмамиз ва унинг бўлинмаларида табиат муҳофазасига ёрдам берувчи қатор бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб атроф муҳитни ифлослантирганлиги учун экологик солиқ жорий қилинди. Табиат белгиланган меёрдагидан ортиқча булғатилса шундай солиқ билан жазоланади. У ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг бир фоизи миқдорида қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, меёрдагидан ортиқча чиқиндилар чиқарганлиги учун ҳамда қаттиқ чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун тўланадиган ҳақ ҳажми 1,5 баравар оширилди. Бу тадбирларнинг амалий натижаси ҳозирдаёқ ўзини кўрсатмоқда. Бўлинмаларда атроф-муҳит мусаффолиги сезиларли даражада яхшиланди.

Имкониятдан фойдаланиб бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Бирлашмамизда дўхти шарқча бўлган қалиш ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Кейинги вақтларда бу ерда чиқиндилардан тўла фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳозир бу кўрсаткич деярли 100 фоизни ташкил этиб турипти. Бу ҳам экологик ҳолатни анча соғломлаштиришга олиб келди. Бизнингча, бундай ишларни рағбатлантириш керак. Шунинг учун маҳсулотни чиқитсиз ишлаб чиқарувчи корхоналарни шундай маҳсулотни тайёрлаш бўйича солинадиган экологик солиқдан озод этиш масаласини ўйлаб кўриш лозим. Шундай қилинса, корхона ихтиёрида қолган бу маблағ экологик муҳитни яхшилаш учун сарфланган бўлур эди. Энг муҳими, бу табиат муҳофазасига бўлган интилишни янада кучайтиришга олиб келарди.

ЧЎЛПОН РУҲИ ШОД БЎЛДИ

Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилган эди.

Тошкент авиация коллежида мазкур қарорни амалга ошириш юзасидан катта тадбир бўлиб ўтди. Тадбир арафасида машҳур адибнинг улуғвор сиймоси тасвирланган портретлар, деворий рўзномалар тайёрланди, бадиий ҳаваскорлар Чўлпон шеърларига ўзлари куй басталадилар, рақслар яратдилар. Адабиёт тўгараги аъзолари ва илғор ўқувчилар Чўлпон шеърлари асосида катта мушоира ўтказдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жамоада турли миллат ёшлари билим оладилар. Шу боис ўтказиладиган барча тадбирлар ўзбек ва рус тилларида тайёрланади. Шоир шеърлари икки тилда янгради. Залга йиғилган 400 нафардан зиёд ўқувчилар, устозлар юзларидаги табассум, ризолик аломатлари кеча сўнгигача давом этди.

Шунингдек, Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига атаб ўқув масканида деворий рўзномалар, плакатлар танлови эълон қилинган эди. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Коллеж директори Ҳабибулла Ғуломов кечани тайёрлашда фаоллик кўрсатган олий тоифали муаллим Ҳикматилла Раҳматиллаев ва талабаларга чуқур миннатдорчилик билдирди. Коллеж раҳбарияти бир гуруҳ ўқувчиларнинг Самарқанд шаҳрига — маънавиятимиз асосчилари яшаб, ижод қилган муборак диёрга бепул саёҳатга боришларини эълон қилди. Шу тарика бархаёт сиймо руҳи шод этилди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА.

Инсон манфаатлари йили

ШУНДАЙИН ЖОЙ БОР, ДУНЁДА АХИР...

Ривоят қилишларича, «Туябўғиз» номининг келиб чиқиши шу ерда қон чиқиши билан боғлиқ бўлган экан. Бу йўллардан қадимда туялар карвони ўтган. Олис юртларга шу йўл орқали савдогарлар боришган. Йироқлардан манзил ошиб келаётган туялар, ниҳоят, ҳолдан тояди. Карвонбоши туя йиқилганлиги туфайли шу ернинг ўзидаёқ, уни бўғизлашга мажбур бўлади.

Дейдиларки, қон чиқарилган жойда ризқу насиба унади, қут-баракот бўлади. Шундан бўлса керак «Тошкент денгизи»нинг соҳилларида жойлашган сўлим ғўшалар, ғўзал оромгоҳлар, ажойиб дам олиш масканлари катта-кичикни ўз бағрига чорлайди. Ҳосиятли туя чўккан жойга барчанинг меҳри тушган.

Жумладан бугунги кунда ўзининг 20 йиллик тўйини нишонлаётган «Меҳржон» сиҳатгоҳи ва болалар оромгоҳи ҳам ана шундай табаррук қадамжолардан биридир.

Сиҳатгоҳ ҳозир 80 ўринга мўлжалланган. 12 гектарли ташландиқ майдон обод ва сўлим масканга айлантирилди. 1000 га яқин манзарали ва мевали дарахтлар билан ўралган «Меҳржон»га бугун ҳамманинг ҳаваси келади. Қарийб 5 чақирим узоқликдан табиий газ олиб келинди.

Ҳосиятхон... Бу ном ўртачирчиқликларга жуда яхши таниш. Аввало, турли мавзуларда қалам тебратиб келаётган фаол мухбир, хотин-қизлар, оналар ва болалар муаммоларини қуюнчаклик билан туман газетаси «Машъал» саҳифаларига олиб чиққан қаламкаш Ҳосият Турғунбоева аслида шифокор. Ҳозир фидойи раҳбар, «Меҳржон» болалар сиҳат ва оромгоҳининг бош шифокори. Ҳосият Турғунбоева етакчилик қилиб келаётганидан буён бу масканда жуда кўп ўзгаришлар юз берди. Табиий газ билан тўла таъминланди. Бугунги кунда болалар учун чўмилиш ҳовузи, 600 ўринли ошхона, 600 ўринли кинотеатр, футбол, баскетбол майдонлари ишламоқда.

Ҳосият опа ҳаётдан ўз ўрнини топган баркамол аёл. Оилада саранжом-саришта бека, азиз фарзандларига садоқатли ва меҳрибон она. Ўғли Баҳодиржон бўлажак дипломант, қизи Севарахон эса ҳуқуқшунос. Ҳеч шубҳасизки суюкли фарзандлар оналари изидан бориб, камоли инсон бўлиб вояга етадилар. Йил давомида етим болалар бошини силаб, уларга бепул имтиёзлар бериш, Орол бўйи болаларига, чернобилчиларга, собиқ афғончиларга ғамхўрлик кўрсатиш «Меҳржон» жамоасининг асосий мақсадларидир.

Мақоламизнинг бошида Ҳосият опани муштарийларимиз яхшигина қаламкаш сифатида биладилар, дедик. Бунга унинг ўзи шундай қўшимча қилади.

— Шифокор бўлмаганимда, албатта, журналист бўлардим.

Унинг «Она ҳидин излар гўдаклар», «Оқ чаноқлар қўшиғи», «Тошкент денгизи муаммолари», «Онажон, Каъбам ўзинг»... каби турли мавзудаги мақолалари муштарийлар ёдида.

«Меҳржон»га меҳр қўйган аёл мана шунақа, ҳаммасига улгуради, энг муҳими савоб ишларга даҳлдор бўлиб яшайди.

Шуниси диққатга сазоворки, сиҳатгоҳ Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон элчихоналари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

1991-1992 йилларда Чернобил фожиасидан азият чеккан 140 нафар бемор даволаниб кетишди.

1997 йилда «Меҳржон» учун «Дамас» енгил автомашинаси ажратилди.

«Меҳржон»да қўшимча даволаш хоналари, бир йўла она ва болалар саломатлиги учун қатор имтиёзлар яратилган.

Ушбу оромгоҳнинг шодиёна кунларида бош муҳосиб Лидия Ченцованинг кўп йиллик тажрибалари, бош шифокор муовини Салим Тешаевнинг тадбиркорлигини, катта ҳамшираларнинг Мавлуда Алибекова, Раиса Исмоиловаларнинг меҳнатсеварлигини, чаққон пазандалар Валижон Орипов, Акобир Ғуломов, Насиба Ҳошимова, Тўхтахон Исмоилова, Мавжуда Тиллабоева ва Асолат Қуроловларни тилга олиб ўтмаслик мумкин эмас.

Шунингдек оромгоҳ қошида фольклор-этнографик даста ташкил қилинган бўлиб, унинг қатнашчилари асосан жамоа аъзоларидир. Даста қатнашчилари миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, қадимий кўшиқларимизни ўз мухлисларига етказмоқдалар.

Ҳозирда «Қўли гул» чевар муҳосиб, «Меҳржон» учун ажратилган «Дамас»нинг моҳир ҳайдовчиси Дилбархон Ортикова ҳақида тўхталмасак бўлмайди. У чаққон ва ишбилармонлиги билан барча йигит-қизга ўрнак. Уни гоҳ «Дамас»да, гоҳ тикув машинаси, гоҳ компьютер қошида кўрасиз. Ҳаммасига улгуради. Қанийди, баъзи йигитларимиз ҳам шундай уддабурон бўлсалар. Ҳуллас, «Меҳржон»да сирли бир меҳр бор. У ҳеч қачон сўнмасин, деймиз.

Анора КАРИМОВА,
Усмонали ҲАМИДОВ.

МАҲМУДЖОННИНГ «МАҚСАД»И

УЧ йил олдин хўжаликда оддий зоотехник бўлиб ишлаб юрганида биров таниб, биров танимай ва ҳатто эътибор ҳам бермаган йигит бугун катта мулк эгаси бўлиб турибди. Эндиликда фермер деса уни «Шодималик»да етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма танийди.

— Ҳаммаси тўрт йил олдин, хўжалик фермаси хусусийлаштирилаётганда бошланди, — дейди Маҳмуджон Нурматов. — Қишлоқда Холбой, Абдумалик, Саидаҳмад деганлар фермерликни даъво қилиб, 30-40 тадан қорамол, 10-15 гектардан ерга эгалик қилаяпти, деган гаплар тарқалган кунлар эди. Орадан кўп ўтмай ўша пайтдаги раисимиз Сафар Қўзибоев уларнинг уччовини фермага бошлаб келиб, сотиб олган молларини етаклатиб юборди. Бу молларни бузоқлигидан ўстирганлигим учун менга бошқача таъсир қилди. Ғалати бўлиб турганимни кўриб, раиснинг ўзи гап очиб қолди.

— Ахир зоотехниксан, чорванинг паст-баландини яхши биласан. Бегона қилмай, фермани бинолари билан ўзинг сотиб олсанг бўлмайдими? — деди-да, иккиланиб турганимни кўриб яна тушунтирди. — Ҳисобчиларнинг ҳисоблашича, ҳаммаси бўлиб 280 бош қорамол, 176 гектар ер, молхоналари билан жами 30 миллион сўм турар-кан. Қарзни ўн йилда тўлайсан, яна бир марта ўйлаб кўр.

Бутун бир фермага эгалик қилиш осондай туюлди. Эртаси куни хўжалик бошқаруви билан «бор барака»лашиб олди-сотти шартномасига имзо қўйдик. Шундай қилиб, Маҳмуд отим Маҳмуджон фермерга айланди. Аммо, лекин қанчалик қийин ишга қўл урганимни кейин фаҳмлаб қолдим. Ахир 280 бош молга қарашнинг ўзи бўладими. Бир ёқда 114 бош сигирни соғиб, сутини ачитмай сотиш керак. Моллар ейман, деб турганда ем, кунжара, аралаш озуқа анқонинг уруғи эди. Қуруқ пичан билан сигирнинг оғзини боғлаб бўлмайди. Бунинг устига молбоқару сут соғувчилар маош бер, дейишади. Пул эса йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Ўйлаб ўйимга етолмай турганимда яна Сафар ака жонимга аро кирди. «Айтдим, деҳқончилигинг учун уруғ билан ёнилғини, техникани хўжалик бериб туради. Озроқ аралаш озуқадан ҳам қарашиб юборамиз. Аммо ўзинг ҳам ҳаракатингни қилиб, туманни айлан, касалхона-ю мактабларга кириб учраш, сут етказиб бериш тўғрисида шартнома туз. Бугун бўлмаса эртага тайёр пул бўлади», деди.

Маҳсулот етиштириш бошқа-ю, уни сотиш бошқа экан. Маҳмуджон раис тайинлагандай Оҳангарон шаҳрини айланди. Касалхона ва қариялар уйидан унинг сутига харидор чикди. Улар билан ҳар литрига 25 сўмдан шартнома тузиб, кунига 250 литр сут етказиб берадиган бўлди. Ортиб қоладиган 100-110 литрини иш ҳақига қўшимча сифатида ферма ходимларининг ўзлари сотиб ола бошлашди.

Маҳмуджон ҳар куни кечқурун «ферма китоби»ни варақлаб, кирим-чиқимни ҳисоблаб боришни одат қилди. Ҳозир фермада 250 бош қорамол бор. Шундан 114 боши сигир. 50 боши соғиляпти. Улардан кунига 360 литр сут олинади. Ҳар бир литр сутнинг таннархи эса 13-14 сўмданга тушяпти. Сотув нархи бўлса 25 сўм. Демак, ҳар литр сут 11-12 сўмдан фойдани етаклаб келяпти. Жамланса, 3960 сўм бўлади. Аммо Оҳангарон ун комбинатидан ҳар килограмм емни 9 сўм 80 тийиндан сотиб олишга ҳам мажбур бўлмоқда. Қорамол фақат ем билан тирик эмас, пичан, силос, сенаж ҳам ейди. Булар гарчи яйлов ва экин майдонларидан чиқиб турган бўлса ҳам кўпгина сарф-харажати бор. Хуллас, фермер дегани фақат чорвадор бўлибгина қолмай, ҳар бир тийиннинг кирим-чиқимларини, қандай қилса харажатнинг ўрни қопланибгина қолмай мўмай фойда келтириши йўлларини ҳам беш қўлдай билиши лозим. Фермерлик даврида ана шу билимни ҳам эгаллаган Маҳмуджоннинг фермаси ўтган йили 50 минг сўм соф фойда келтирди. Бу йилнинг олти ойини ҳам 35 минг сўмлик фойда билан якунлаяпти.

— Чорванинг яна бир даромадли томони — моллар бош сонининг ўсиб боришида, — дейди Маҳмуджон Нурматов. — Ўтган йили ҳар юз бош сигирдан 63 тадан бузоқ олгандик. Бу йил ҳар бош сигирни алоҳида назоратда сақлаб, 85 тадан бузоқ олдик. Қисир сигирларни эса семиртириб сўйиб сотдик. 16 тонна гўшт чикди.

Маҳмуджон илгари хўжаликнинг чорвачилик фермасида фақат зоотехник бўлиб ишлаб, шундан бошқа ҳунарнинг кўчасидан ўтмаган эди. Энди бўлса ўрни келганида иқтисодчилик, ҳосилотлик, муҳандислик билан ҳам шуғулланишига тўғри келяпти. Хўжалик унга 176 гектар ер ажратиб берган. Шундан 76 гектарида беда, 24 гектарида макка, уч гектарида лавлаги, 32 гектар ерда буғдой ўстирди. Камида 1800 тонна сенаж, 400 тонна силос учун кўкпоя етиштирсагина, лалми ерлардан камида 50 тонна пичан ўриб олсагина молларнинг озуқасидан кўнгли тўқ бўлиши мумкин. Бу ишлар илгари 34 кишининг кучи билан бажариларди. Маҳмуджон фермани ўз қўлига олгач, ички имкониятларни ҳисоблаб чиқдида, энг ишчан, ғайратшижоатли ходимларнигина қолдириб, қолган 15 кишига жавоб бериб юборишни маъқул кўрди. Ҳозир фермада қолиб ишлаётганларнинг ҳар бири уч-тўрт хил вазифани бемалол бажаряпти. Сут соғувчилардан Гулзира Отабоева, Зуҳра Эшонтоева, Мадина Ўскенбоева, Нортожи ва Муҳаббат Қувватовалар асосий вазифаларидан ташқари сигир ва бузоқларни ҳам боқишади. Мустафо Хаиров, Қосим Танабоев, Беркин Эгамбердиев, Ҳасан Боймуродовлар эса ўрни келганда мол боқувчи, механизатор ва деҳқон бўлиб ҳам ишлайдилар. Улар оладиган нақд маош ҳам шунга яраша — ҳар ойда камида 4 минг сўмга етди.

Маҳмуджон билан суҳбатлашаётиб, гапнинг жиловини ҳозир ҳамма ерда тилга олинадиган ва барча фермерлар учун энг оғриқ жой бўлиб қолган асосий муаммоларга бурдик.

— Муаммолар қаерда йўқ дейсиз, — деди у ўйчанлик билан. — Ҳамма гап уни ғовлатиб юбормай вақтида ҳал қилишда. Ҳеч ким четдан келиб бизнинг юмушларимизни қилиб бермайди. Қандай қийинчилик бўлса уни ўзимиз тўғрилашимиз керак. Мана, масалан, илгари ёнилғидан қийналардик. Йўлини топдик. Ҳозир пулини тўлаб жамоа хўжалигидан оляпмиз. Энди насиб этса давлатдан қарз-қавола кўтариб бўлса ҳам битта янги комбайн сотиб олсак марра бизники бўлади. Бундан ташқари ишимиз шу зайилда юришиб турадиган бўлса, сутни қайта ишлаб, пишлоқ, бринза, сариёғ, йогурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган битта цех ҳам қурмоқчиман. Ҳисоблаб кўрсам бундай цех ўзимизнинг «Шодималик» жамоа хўжалигидаги бошқа саккизта фермер хўжалигига ҳам хизмат кўрсатиб, сутини қайта ишлаб бера олар экан, — у шундай деди-да, кўнглига тугиб қўйган яна бир режасини ошкор этди. — Цехни қуриб олсам, ундан кейин фермани кенгайтириб, сигирлар сонини икки баравар кўпайтирмоқчиман...

Нима ҳам дердик, орзуга айб йўқ. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётган, тадбиркорлар учун барча йўллар кенг очиб берилаётган ҳозирги пайтда ишлайман, хўжалигимни кўтариб, ўзим учун ҳам, бошқалар учун ҳам яхши турмуш яратиб бераман, деган одамнинг орзуси албатта амалга ошади. Маҳмуд Нурматов яхши ният билан ўзининг фермер хўжалигини «Мақсад» деб атаган эди. «Мақсад»и ўзига йўлдош бўлиб, мақсадига етсин.

Қишлоқ мулкдорлари

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Оҳангарон тумани.

99 ФЕРМЕРНИНГ ҲИССАСИ

Қуйичирчиқ тумани хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими авжига чиқди. Ҳар куни туман бўйича 1200 тоннадан ошириб дон топширилаяпти. Бунда жамоа хўжаликлари қатори деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Туманда жами 99 та деҳқон-фермер хўжаликлари ғўза ва бошқа экинлар билан бирга ғалла ҳам етиштирдилар. Шу кунларда фермерларнинг 452 гектар майдондаги ғаллазорларида дон ўриб-янчилмоқда.

«Меҳнатобод» жамоа хўжалигидаги фермер Йўлдош Эрматов 2,2 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон кўтарди. «Пахтачи» жамоа хўжалиги ҳудудида ишлаётган Темур Турғунбоевнинг оиласи эса 11 гектар ерда ғалланинг гектаридан 40 центнердан ошириб дон ўриб-йиғиб оляпти.

— Деҳқон-фермер хўжаликлари тузилган шартнома бўйича ўзлари кўтарган хирмондаги донинг ярмини жамоа хўжалигига топшириб, қолган қисмини қилган меҳнатлари эвазига ўзларида олиб қоладилар, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Пўлат Бойдебов. — Меҳнатни рағбатлантиришнинг шу тартибда ташкил этилганлиги деҳқон-фермерларнинг янада унумлироқ меҳнат қилишларига сабаб бўляпти.

Раҳмон ФИДОЕВ.

Ғалла мустақиллиги учун

Бўка тумани ғаллазорларида кунига 60 та «Нива», «Енисей» ҳамда 4 та «Кейс» комбайнлари билан ғалла ўрилаётир. Меҳнатнинг тўғри ташкил этилгани ва техника хизмати намунали олиб борилаётгани сабабли меҳнат унумдорлиги юқори бўлмоқда. Ҳар бир комбайн билан кунига ўртача 7 гектардан кўпроқ ердаги дон янчилаётгани сабаби ана шунда.

СУРАТДА: «Ачамайли» жамоа хўжалигининг илғор комбайнчилари Ўрозбой Молдақулов ва Абдукарим Абубакировлар.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

«КЕЙС»ДАН «МОГНУН»ГА

МАҲМУДЖОННИ болалигидан биламан. 10-ўрта мактабда ўқиб юрганида техникага бўлган ҳавас уни доимо хўжалик устахонасига етакларди. Дарсдан бўш пайтларда ота-онаси уни ё далада тракторчилар олдидан ё устахонадан топиб келишарди. «Қулоқ»сизлиги туфайли яхшигина дакки эшитарди-ю, яна унутиб, далага чопарди. Ота-онаси ҳам кейинчалик ўғлининг техникага ишқи тушганини англаб, «йигит кишига қирқ ҳунар оз, майли, тракторчиликни ҳам ўрганиб қўйса ёмон бўлмас» деган фикрда уни шогирдликка беришди. Уқувли Маҳмуджон тезда Тўхташ Охунов ва Ўткир Ҳайдаровларга муносиб шогирд бўлиб, иш бошлади.

...Бугунга келиб, Маҳмуд Қосимов Американинг ғалла ўришга мослашган «Кейс» комбайнини моҳирлик билан бошқармоқда. Туманда уни танимайдиган раиси йўқ. Айримлар унга ҳазиллашиб, «кўчманчи комбайнчи» деб таъриф ҳам берган. Дарҳақиқат, унинг «Кейс»ини гоҳ «Ҳақиқат йўли» ҳиссадорлик жамиятида, гоҳ Навоий номли жамоа хўжалигида, ҳатто қўшни Оққўрғон туманининг Сирғали ҳудудида учратасиз. Ҳозирда эса Акмал Икромов номли деҳқонлар уюшмасида, ёнига қайниси Неъмат Йўлчиевни олиб, ҳамқишлоғи Мирза Нуримбетов билан ҳар куни 30-40 гектар ердаги ғаллани ўриб, янчмоқда.

— Ғалла мустақиллиги йўлида янги техникалар беқиёс катта хизмат қиляпти, — дейди Маҳмуджон Қосимов. — «Кейс»ларнинг унуми ва афзаллиги юқори. Яқинда менга ишонч билдиришиб, Американинг «Могнун-72-40» русумли ер ҳайдаш тракторини беришди. Ҳадемай унда ғалладан бўшаган майдонларни ҳайдайман.

Маҳмуджон, вақт зиқроқ, узр дегандай, яна «Кейс»ини ғаллазор томон бурди.

Усмонали ҲАМИДОВ,
Ўртачирчиқ тумани.

САБОҚНИНГ ФОЙДАСИ

ЭСИМДА, бир йили кузда Тошкент туманидаги Тўлабий номли жамоа хўжалигида бўлиб, ғалла экиш қандай бораётганлиги билан қизиққанимда, «Озроқ, уруғ етишмай турибди-да», — деб нолиган эди раис Султон Ҳамидов.

— Ҳаракатини қилиб кўймаган экансизлар-да!

— Мўлжалдаги баъзи бир ишлар бўлмай қолди-да, лекин, барибир, иложини қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам иложини топишди. У ердан-бу ердан зарур уруғлик изланди. Экилди. Парвариш қилинди. Ҳосил ҳар ҳолда ёмон бўлмади.

Лекин, барибир, уруғликни хўжаликнинг тупроқ, иқлим шароитига тўғри келадиган навини олдиндан белгилаб, эҳтиёжга яраштирсаги ғамлаб қўйганга нима етсин!

Ғалла мустақиллиги учун кураш бошланган дастлабки йиллардаги айрим камчиликлар хўжалик учун катта сабоқ бўлди. Энди ҳар йили уруғлик ғамлаб қўйиш, иложи бўлса, ўзларини ўзлари таъминлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиладилар. Шунинг учун ҳам бу йил ғалла ҳосили анча мўл ва салмоқли бўлди. Битта «Кейс» ва 2 та «Нива» машиналаридан ғоят унумли фойдаланилди. Авжи ўрим-йиғим қизғин кезларда кунига 120-150 тоннадан ошириб ғалла тайёрланди. Хўжалик туманда иккинчи бўлиб режасини бажарди. Бироқ, шундан кейин ҳам ўрим сусайтирилмади. Бор ғаллани тезроқ ўриб-йиғиб олиш, ҳосилдан бўшаган ерларга иккиламчи экинларни экиш чоралари кўрилмоқда.

«Тўлабий»ликларнинг ғалла хирмони 600 тоннага яқинлаб қолди.

Н. ИСАЕВ.

Халқаро ҳаёт

МИРРИХДА НИМА ГАП?

Айни кунларда қизил сайёра — Миррих (Марс)да олти ғилдиракли «трактор» юрипти. Уни Америка муҳандислари яратишган. Темиртан қурилма орқали юборилган Миррихнинг Арес деб аталган водийси аниқ видеотасвирини бутун жаҳон кўра бошлади. Бу водийга «Марс Патфайндер» станцияси ўзиюрар автоматли вагончани ташлади. Пуфлаб шишириладиган амортизаторлар унинг Миррихга юмшоқ қўнишини таъминлади.

Марсоход бир ҳафта давомида фаол ишлайди, деб тахмин қилинмоқда. Бу вақт ичида сайёра қатлами намуналари олиниб, платформага етказиб берилади. Ана шу жисм ўша ернинг ўзида кимёвий таҳлил этилиб, унинг натижалари ерга юборилади.

Олимлар бу тадқиқотлардан катта умид қилмоқдалар. Уларни Миррихда бирон мавжудот бўлиши мумкин, деган ҳаёл тарк этмаганга ўхшайди. Шу сабабли ҳам Марсоходга «Бортда ҳеч ким йўқ. Ерга қўнғироқ қилинг»деган ҳазиломуз сўзлар ҳам ёзиб қўйишган.

Ҳарқалай коинотни ўрганувчи олимлар кейинги йигирма йил давомида жиддий муваффақиятга эришдилар. Инсон қўли билан яратилган космик кема яна олис сайёрага етиб бориб, уни инсонлар манфаати йўлида ўргана бошлади.

«БИРИНЧИ» БИЛАН «ИККИНЧИ» ЖАНГИ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати»нинг ўтган чоршанба сонида Камбоджанинг икки давлат арбоби — биринчи бош вазир — Народом Ранарит билан иккинчи бош вазир — Хун Сен БМТ Бош котибига мактуб йўллаб, ўз мамлакатларидаги ҳарбий жиноятчиларни жазолашда ёрдам сўраганликлари тўғрисида ёзган эдик. Орадан икки-уч кун ўтмай Камбоджанинг ўзидан хунук хабар келди. Пномпенда — ҳукумат биноси олдида бирданига отишмалар авжига чиқиб кетди. Аниқланишича, Н. Ранарит тарафдорлари билан Хун Сен аскарлари ўртасида тўқнашув бўлибди экан. Ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар бор. Маълумки, 1993 йилдаги сайловларда мухолиф партиялар ва сиёсий оқимлар келишиб, мамлакатни бошқаришнинг мақбул йўлини ишлаб чиққан эдилар. Эндиликда халқ партиясининг раҳнамоси Хун Сен биринчи бош вазир Народом Ранаритни «Қизил кхмерлар» билан музокаралар олиб боришликда айбламоқда. Хун Сенчилар бутун пойтахтни босиб олди, деган гапларда жон борга ўхшаяпти.

ҲАММОМДАН «КИР» ЧИҚҚАН ЭКАН

РОССИЯ Федерациясининг адлия бош вазири Валентин Ковалев атрофида бўлган машмаша ниҳоят охирига етди. Унинг «нопок хонимлар» даврасида ҳаммомга тушганлигини «Совершенно секретно» газетаси фош қилган эди. Ўтган ҳафтада вазир ишдан бўшатилди, унинг ўрнига 1994 йилда Федерал Хавфсизлик Хизмати директори лавозимида ишлаган, Россиянинг Чеченистондаги қўшинларининг собиқ раҳбарларидан бири бўлган, кейинги пайтда РФ маъмурий департаментига бошчилик қилган Сергей Степашин тайинланди.

Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги маданий алоқалар тобора кенгаймоқда. Ушбу сурат Тошкентнинг «Сеҳрли флейта» дастаси Исроилда бўлганида тасвирга туширилган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

СТОКГОЛЬМ. Швеция Қизил хоч қўмитаси қашшоқликда кун кечираётган Тожикистон пойтахти — Душанбе аҳолисига моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Яқин кунлар ичида мазкур қўмита Тожикистонга 5,1 миллион Швеция крони, яъни 671 минг АҚШ доллари ҳажмида ун, туз, қуруқ мева ва ўсимлик ёғини юборади.

* * *

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати АҚШ Марказий разведка бошқармасининг (МРБ) Америка конгрессига тақдим этган ҳисоботидаги маълумотларни рад этди. Мазкур ҳисоботида Покистоннинг ўз ядро қуролини ишлаб чиқишда Хитойдан ёрдам олаётгани қайд этилган эди.

Айни пайтда Хитой ҳукумати ҳам мазкур ҳужжатни «ҳеч қандай асосга эга эмас» деб топмоқда.

* * *

ГРОЗНИЙ. 4 июль куни бу ерда Чеченистондаги барча сиёсий партия ва ҳаракатлар раҳбарларининг анжумани бошланди. Унда мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда «Чеченистонда мустақил ислом давлатини қуриш» масалалари муҳокама қилинмоқда.

Ушбу анжуман Чеченистон бош вазирининг ўринбосари Мовлади Удугов қароргоҳида ўтказилмоқда.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Американинг ҳарбий саноатида катта ўзгариш рўй берадиган бўлди. АҚШнинг «Локхид-Мартин» деб номланган йирик ҳарбий саноат компанияси «Нортроп-Грумман» номли компанияни 11,6 миллиард долларга сотиб олмоқда.

«Локхид-Мартин» президенти Норман Огастиннинг таъкидлашича, компаниянинг мазкур хариди АҚШда ишлаб чиқарилаётган қуроллар сифати ва ҳажмини оширишга имкон яратади ҳамда Америка ҳарбий саноати мавқеини оширади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Божхона ҳаёти

КАПИТАННИНГ «СИРЛИ» МАГНИТОФОНИ

Тун яримлаб қолган пайтда таралган мусиқа овозидан Бекобод туманидаги 18-«Ойбек» божхона пости ходимлари сергак тортишди.

— Шу пайтда магнитофонни баланд қўйиб келаётган ким экан?

Овоз пост томон яқинлашиб келаверди. Ниҳоят магнитофон кўтариб олган ўрта ёшлардаги киши кўринди. У Тожикистон томондан яёв келарди. Салом-аликдан сўнг меҳмон ўзини Душанбе шаҳар милицияси ходими капитан Дароб Жамшидов деб таништирди. Ёнидан гувоҳномасини чиқариб кўрсатди.

Ҳаммаси тўғри. Лекин у негадир магнитофонни орқасига яширмоқчи бўлаётганига божхоначилар хайрон бўлишди.

— Янги кассета сотиб олган эдим. Шуни магнитофонингизга қўйиб бир эшитсак бўладими? — божхоначилардан бири суҳбатни бошқа мавзуга бурди.

Шунда меҳмонни ранги ўзгаргандек бўлди.

— Кўрқманг, кассетанинг фақат бош қисмини эшитсак бўлгани, — деди божхоначи ва магнитофонга қўл узатди. — Ие, магнитофонингиз оғирроқ-ми. Ичида болачаси ҳам борга ўхшайди. Қани, очиб кўрайликчи.

Ҳақиқатдан ҳам магнитофон ичига 2 килограмм героин жойланган экан. Сир ошкор бўлгач калитаннинг тили калимага келмай қолди.

Тошкент вилояти «Ўратепа» божхона пости ва Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг хушёрлиги билан ўша куни 4300 грамм қора дори ҳам қўлга туширилган эди. Бу давлат белгиси 01-01 ОШН автобусини божхона кўригидан ўтказиш пайтида рўй берди. Қора дори автобусдаги 27 ва 28-ўринлар тепасидаги юкхонага беш қават селофан халтага ўраб жойланган экан. Лекин у кимга тегишли эканлиги номаълум бўлиб қолди. Ўтказилаётган суриштирув ишлари давомида оғунинг эгаси топилиб қолса ажаб эмас.

Оғуфурушлар ҳар қадамда қўлга тушиб эл-юрт ўртасида шарманда бўлаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Шунга қарамай захри қотил орқасидан нон емоқчи бўлаётганлар сони озайиш ўрнига кўпайиб бораётганлиги ачинарлидир. Таъқиқланган иш охир-оқибатда бошга ташвиш келтириши аниқ-ку. Буни ҳар бир киши яхши билиши ва қонунда таъқиқланган ишлар билан шуғулланмаслиги керак.

Юртдошимиз Ш. Зияев ана шундай қонун-қоидага зид иш қилиб энди мулзам бўлиб ўтирибди. У четга фақат 500 АҚШ долларигача олиб кетиш мумкинлигини билса ҳам Тошкентдан Киевга учаётиб бу қоидани бузди. У 2000 АҚШ долларини яширинча олиб кетмоқчи бўлганида божхоначилар қўлига тушди. Ҳозир ушбу ҳолат бўйича божхона суруштируви олиб борилмоқда.

Божхоначилар постда сергак туришибди. Уларни алдайман деганларнинг ўзлари алданиб қоладилар. Буни юқоридаги сингари кимсалар билиб қўйишса ёмон бўлмасди...

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Нилуфарлар.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Маданият ● *Маданият* ● *Маданият*

ЗАНГИОТА туман маданият уйининг «Баёт» дастаси ижодий жамоаси «Висол дамлари...» номли ёшларга бағишланган янги дастурни намойиш эта бошлади. Унда Нодиржон Олимов, Қодиржон Раҳмонов каби хушовоз хонандаларнинг муҳаббат аталмиш туйғу, Ватан ҳақидаги қўшиқлари ўрин олган.

* * *

ҲУСАНБОЙ Баротов раҳбарлик қилаётган «Паркент гуллари» дастаси жамоаси «Соғинчлар акс этган наво» номли мусиқий дастури билан Навоий вилоятида хизмат қилаётган аскарларга вилоятимизнинг ота-оналаридан салом етказиш учун ижодий сафарга жўнаб кетдилар.

* * *

ЯНГИЙЎЛ туман «Заррин япроқлар» фольклор-этнографик дастаси куни кеча «Янгийўлда тўй бугун» театрлаштирилган томошасини мухлислар ҳукмига ҳавола қилди. Мавлудахон Бўронбоева сценарийси асосида бадиий раҳбар Ҳабибахон Ғозиева саҳналаштирган томошада қадим ўтмишимиз лавҳалари тасвирланган. «Шашмақом» куйлари сингдирилган ушбу саҳна асари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

* * *

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туман маданият уйининг «Наврўз» қозоқ халқ театри жамоаси «Ой-й, қозоқ элимов» театрини намойиш эта бошлади. Асарда Марказий Осиё халқларининг тарихи, қозоқ халқининг буюк намоёндалари ҳақида ҳикоя қилинади. Бош қиёфаларни Гулжон Мусоматова, Бахт ва Юлдуз Чўлпоновалар, Жайлов Бердиев, Лашин Асановалар ўйнашмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

Футбол

БИРИНЧИ ДАВРА ЎЙИНЛАРИ ТУГАДИ

Вилоятимизнинг «Металлург» жамоаси иккита йўлланманинг бирига даъвогар бўлиб турибди.

ЎТГАН дам олиш куни мамлакат биринчилиги биринчи табақаси жамоалари мавсумнинг ярмига якун ясадилар. Тўғри, тақвимдаги барча катаклар тўлмади. Бир неча ўйин узрли сабабга кўра кечиктирилди. Жумладан, Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси ҳисобида учта ўйналмай қолган учрашув бор. Қўқонликлар 43 ҳол билан биринчи, Бекободнинг «Металлург» жамоаси 41 хол билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Умуман, биринчи давра ўйинларини таҳлил қилар эканмиз, келаси мавсум олий табақада қатнашиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланмага асосан, уч жамоа — «Темирйўлчи», «Металлург» ва Тошкентнинг «Истиқлол» клублари даъвогарлик қилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Зангиотанинг «Лочин», Муборакнинг «Машъал», Гулистоннинг «Гулистон» жамоалари бир текисда ўйин кўрсата олмаяптилар. Хусусан, тўртинчи ўринни эгаллаб турган «Лочин» сафарда сўнгги икки ўйинни бой берди. Нукусда «Орол»га 0:1 ҳисобида ютқазган зангиоталиклар «Хива»дан 0:7 ҳисобида мағлуб бўлдилар. Бироқ, кучли табақада илк бор қатнашаётган Зангиота футболчиларини пешқадамлар сафида кўришнинг ўзи қувонарлидир.

Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоасидан футбол мухлисларининг умиди катта бўлиб, уни ўртамиёна жамоалар сафида эмас, балки пешқадамлар қаторида кўриш эди. Вилоятимизнинг яна бир жамоаси «Роҳат» турнир жадвалининг 15-поғонасини эгаллаб турибди. Мавсумни кўтаринки рухда бошлаган Сирожиддин Салоҳиддиновнинг ёш, ғайратли, лекин ҳали унча тажрибага эга бўлмаган «Бўкалик» жамоаси учун биринчилик «юки» оғирлик қилди шекилли, бир неча бор «дам» олиб, мағлубиятга учраганлиги туфайли ўтган йилги мавқеи даражасига тушиб қолди.

Ўтган дам олиш куни бўлиб ўтган XXII тур натижалари қуйидагича бўлди: «Қизилқум» — «Боғдодчи» — 0:0, «Ситора» — «Темирйўлчи» — 0:1, «Орол» — «Истиқлол» — 0:0, «Роҳат» — «Металлург» — 2:5, «Кимёгар» — «Бўкалик» — 3:1, «Тўқимачи» — «Шўртон» — 1:2, «Норин» — «Шўрчи» — 3:1, «Пахтаобод» — «Зафар» — 1:3, «Шаҳрихон» — «Гулистон» — 3:2, «Дўстлик» — «Машъал» — 1:1.

Футбол мавсумининг авжи ҳал қилувчи палласи бошланди. Қани кўрайликчи, бу имтиҳондан кимлар қандай ўтаркин?!

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Каратэ

КУЧЛИЛАР БИЛАН ТЕНГМА-ТЕНГ

НАФАҚАТ йигитларимиз, балки қизларимиз ҳам жаҳон миқёсида эришаётган натижалари билан мухлисларини қувонтирмоқда.

ЖУМЛАДАН, Ойжон Босонбоева билан Елена Гребенцова Италиянинг Милан шаҳрида каратэ бўйича жаҳон биринчилигида қатнашиб, шуҳрат қозондилар. Ойжон «ката», Елена эса «куметэ» программалари бўйича мусобақада кучли учликдан жой олишиб, бронза медаллари билан тақдирландилар.

Эркаклар баҳсида А. Қаландаров, Б. Мардонов, Д. Мельниковлар мукофотли ўринларни эгаллай олмаган бўлсаларда, эришган натижалари қувонарлидир. Жаҳоннинг 75 мамлакатидан тўпланган 2 мингдан зиёд каратэчилар баҳсида ўзбек спортчилари кучли ўн жамоа қаторидан жой олишининг ўзи катта ютуқдир.

Мерганлик

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

УШБУ спорт тури бўйича жаҳон Кубоги мусобақалари Мюнхенда ўтказилиб, унда 69 мамлакатдан 1100 дан зиёд мерган қатнашди. Ватандошларимиз орасида 50 метр масофага МП-6 машқини бажаришда Э. Осмонов 16-ўринни олди. Ш. Аҳмедов, Д. Мухторов, шунингдек, милтиқдан отишда В. Скоромнов, И. Шахов ва Ю. Савиничлар ҳам яхши иштирок этишиб, катта жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«ОМАДСИЗ ОВЧИ»

Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз тумани Шербобоев номли жамоа хўжалиги Бичми қишлоғида яшовчи, ҳеч жойда ишламайдиган Ё. Н. исмли шахс шу йил 13 июнь куни соат 18 да Чирчиқ шаҳар деҳқон бозорида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Ё. Н. 1966 йилда туғилган, илгари судланган. У Тошкент шаҳар Сирғали туманида яшовчи тадбиркор У. А.дан Чирчиқда фирибгарлик йўли билан 100 минг сўм олаётган эди. Афсуски, овчининг ови юришмади. Ҳозир бу иш юзасидан тергов кетмоқда.

ҚИММАТБАҲО «МАКТУБ»

ОҚҚЎРҒОН туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги фуқароси, 1956 йилда туғилган М. Ф.га номаълум шахсларнинг «мактуби» келди. «Агар бизга 50 минг АҚШ доллари ва 300 минг сўм бермасанг, Тошкентда ўқиётган қизингни ўлдирамиз, ўзингнинг кирдикорларингни очиб ташлаймиз...» мазмунидаги хат М. Ф.ни коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бошқармасига мурожаат қилишга мажбур этди. Тезкор гуруҳ У. И.ни хурсанд ҳолда 86 минг сўмни чўнтакка уриб кетаётганда, қўлга туширди. Маълум бўлишича, У. И. шу хўжалик аъзоси бўлиб, муқаддам судланган экан. Буни қарангки, у яна қора курсида ўтирадиган бўлди.

ТОВЛАМАЧИ УШЛАНДИ...

БЕКОБОД шаҳрида яшовчи Ким Алла Бекобод туман фуқароси Турсунали Шоевдан 38 минг сўм пул олди. Бекобод шаҳар, 13-даҳа, 23-уйдаги 38 хонага хусусийлаштириш ордери расмийлаштириб бераман, деб пул ундирган Ким Алла ҳибсга олинди. Чунки, у расмийлаштирган ҳужжатлар сохта бўлиб чиқди.

ҚЎЛБОЛА «КОРХОНА» ЁПИЛДИ

КОРРУПЦИЯ, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Оққўрғон шаҳрида яшовчи Улуғбек Болтабоевни жиноят устида қўлга олдилар. Унинг хонадонидан 628 шиша қўлбола ароқ, 100 литр спирт, 1130 дона шиша қопқоғи, 2840 дона «Ўзбекистон» арағининг ёрлиқ қоғози ва шиша қопқоғини беркитувчи мослама мусодара қилинди. Шундай қилиб, яна бир «ароқ корхонаси» ёпилди.

МАННОН АКА ҲАЙРОН

ПАРКЕНТЛИК омбор мудири Маннон Оқилбеков шу йил 20 июнь куни 14 тонна ёки 55 минг сўмлик халталанган селитрани қандай қилиб накд пулга сотиб юборганлигини «билмай қолди». Айни дамда давлат мулкини «нафсий шайтон» кўрсатмаси билан «ўзи сезмаган ҳолда» талон-тарож қилган Маннон терговчилар олдида маънили жавоб тополмай қолди..

Аваз МУРОТОВ,
Тошкент вилоят ИИБ матбуот хизмати нозири.

ҚОРАҚАРҒАДАН ШИФОКОР ЧИҚАДИМИ?

Қушшунос Ханс Шнирер яқинда ғалати бир воқеанинг шоҳиди бўлди. Ёш бир қорақарға учишга ҳаракат қиларкан, қанотини синдириб қўйди. Шу заҳотиёқ унинг ёнида бешта йирик қорақарғалар «маслаҳат» учун тўпландилар. Улар бир қанча вақт чуғурлашиб, нималарнидир «сўзлашдиларда» сўнгра учтаси қаергадир учиб кетди. Иккитаси эса шу ердаги дарахт шоҳига қўниб, ерда ётган болақайни қўриқлай бошладилар.

Кўп ўтмай бояги учта қорақарға яна пайдо бўлишди. Улар тумшуқларида ўт ва шохчалар олиб келишганди. Қорақарғалардан бири яна учиб кетди-да, тумшуғида бир парча лой кўтарганча қайтди. Шундан сўнг «шифокорлар» болақайнинг синган қанотига ўт бандларини қўйиб, лой билан шуваб ташладилар. Айтгандай, кейинчалик ўтказилган таҳлил бу лойнинг шифобахш хосиятга эга эканлигини тасдиқлади. Ишлари тугагач, 4 та қорақарға болакайнинг қанотлари остига кириб, баравар парвоз қилганча қаергадир, балки, қушлар «шифохонасига» учиб кетдилар.

ЭГАЛАРИДАН ҚОЛМАДИ

РОТЕРЛАР оиласи Калифорния штатидан Оклахома штатига кўчиб ўтадиган бўлишди. Улар икки ёшли Шугар лақабли мушукни эски уйга ташлаб кетдилар. Аммо, орадан ўн тўрт ой ўтгандан сўнг мушукнинг ўз эгаларини топиб боргани Ротерларни ҳайратда қолдирди. Мушук ана шу давр ичида 2450 километр йўл босиб, ўзи учун бутунлай бегона бўлган юртдан уларни қидириб топган эди.

Каримўғлининг оиласи Туркия билан Булғория оралиғидаги чегарага яқин жойда яшарди. Яқинда улар Олмонияга кўчиб кетишга қарор қилишди. Юкларини ортиб бўлишгач, Милош исмли мушукларини излаб тополмадилар. Орадан 60 кун ўтгандан кейин эса бу мушукнинг ўзи янги уйга кириб борди. Ана шу вақт ичида Милош 2380 километр йўлни босиб ўтганди.

Хави лақабли мушук эса эгаларини бир йил давомида излади. Ана шу даврда у 1928 километр йўл босиб, Квислэнд шаҳридан Аделаида шаҳрига келди.

Бу воқеалар мушукларнинг ўз эгаларига ғоят боғланиб қолганлиги билан ажабланарлидир. Аммо, Бельгияда чиқадиган «Суар» газетасида қайд этилишича, бу мушуклар эгаларини қандай қилиб излаб топганлиги кишиларни ҳайратга солмоқда.

ЯХШИ СЎЗНИНГ ГАДОСИ

ИТШУНОСЛАРНИНГ айтишича, итлар одамнинг гапини тушунмайдилар, балки, ўлар ўзларига берилган буйруқнинг оҳангига қулоқ соладилар. Ҳамма гап ит эгаси буйруғининг қандай тарзда берилишига боғлиқдир.

Оранж вилоятининг Фрид шаҳрида яшовчи Петер Зоммерфельд деган киши мутахассисларнинг бу фикрларига қўшилмай, оддийгина синов ўтказди. Унинг уйида уч ёшли ақлли Лизза лақабли ит яшарди. Петер гуноҳ қилиб қўйган итини меҳрибон назар ташлаб ва илжайиб, аммо, ёмон сўзлар билан қойиди. Унинг бу синови бошдан-охиригача кино тасмага туширилди. Синовнинг дастлабки дақиқасида Лизза эгасига диққат билан қулоқ солди. Аммо, бироз ўтгач, жаҳл билан ҳурий бошлади ва ҳатто, унга ташланишгача борди. Петер итини аранг тинчлантиришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг у магнит тасмасидаги тасвирларни итшунос мутахассисларга жўнатди. Жанубий Африкада чиқадиган «Стар» газетаси ушбу воқеани ёзаркан, итлар инсон тилини тушунадими, йўқми, деган саволни ўртага қўйди.

ТЎТИҚУШНИНГ КАРОМАТИ

ЛЮБЕК шаҳрида яшайдиган опа-сингил Эрика ва Гизела Кинмайерлар ўз халоскорлари — Биби деган тўтиқушни ҳамон эслайдилар. Тўтиқуш ҳозир йўқ, у эгаларини қутқараётиб, ҳалок бўлган.

Гизела ва Эрика иккинчи жаҳон уруши даврида Любека шаҳрига яқин жойда яшардилар. Шаҳарни Англия ва Америка авиацияси тез-тез бомбардимон қиларди. Аксарият тўтиқушлар сингари Биби ҳам гапириш қобилиятига эга эди. Кунларнинг бирида опа-сингиллар кечки ҳордиққа ҳозирланаётган пайтда Биби бирданига «жаноблар, ҳаво ҳужуми!» деб чинқира бошлади. Опа-сингил унинг бу сўзларидан ҳайратда қолишди. Эгаларининг шошмаётганини кўрган тўтиқуш бояги сўзларни қайтараверди. Шундан кейингина Эрика ва Гизела керакли буюмларини йиғиштирдилар-да, Бибини ҳам олиб бомбадан сақланадиган ертўлага югуришди. 20 дақиқадан кейин шаҳарга авиация бомбалари ёмғирдек ёғила бошлади. Ана шундан кейин ҳам тўтиқуш жуда кўп марта эгаларини хавфдан огоҳ қилиб, уларни ўлимдан қутқариб қолди. Аммо, кунларнинг бирида...

Олмонияда чиқадиган «Вельт» газетаси шу ҳақда хабар берди.

Об-ҳаво

ЁЗ ЧИЛЛАСИДА МОМАҚАЛДИРОҚ

9—13 июль оралиғида об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Тоғли туманларда ҳавога вақти-вақти билан булут чиқиб, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ёғингарчилик бўлмайди. Кечалари ҳарорат 16—21, кундуз кунлари 31—36 даража атрофида бўлади. Сўнгги уч кунликда кечаси ҳам, кундузи ҳам 3—4 даража кўтарилиб, кундуз кунлари ҳарорат 40 даражага етади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани «Дилшод» фермер хўжалигининг тўрт бурчак ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТҚХИМИ қошидаги 2-сонли умумтехника интернати томонидан Қобулов Фарҳод Бахромжонович номига берилган N OR'-A-040415 шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6